

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари академиясида «Амир Темур - буюк саркарда ва давлат арбоби» мавзусида илмий-назарий семинар бўлиб ўтди.

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 9 апрел, жума № 59 (1692)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

РИГА 8 апрел. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Латвия Республикасида давлат ташрифининг иккинчи куни Рига Думаси раиси-шаҳар мэри Г.Борс билан учрашувдан бошланди.

Президент Ислам Каримов Г.Борс хамроҳлигида «Кронвольда» боғига келди. Риганинг энг сўлим гўшаларидан бўлмиш ушбу боғда буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳайкалининг (ҳайкал муаллифи - Ўзбекистон халқ rassоми Р.Миртожиев) расмий очилиш маросими бўлди.

Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Президент Ислам Каримов маросимда сўзга чиқиб, Латвия заминда ўзбек халқининг буюк сиймолари, маданий, илмий кадрлари эъзозланаётгани учун латиш халқига ва ҳукуматига миннатдорлик изхор этди.

Президентимизнинг Латвия Республикаси Бош вазир И.Эмсис билан ўтказган музокараси мамлакатларимиз ўртасида сийсий, иқтисодий, савдо-саноат, транспорт алоқаси, маданий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланди.

Президентимизнинг Латвия Республикаси Бош вазир И.Эмсис билан ўтказган музокараси мамлакатларимиз ўртасида сийсий, иқтисодий, савдо-саноат, транспорт алоқаси, маданий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланди. Ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар ушбу ҳамкорликни ривожлантиришда, муносабатларимизни мазмунан янада бойитишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.



ДЕҲҚОН ҚУВОНЧИ

Балиқчи тумани пахтакорлари бу йил 11миг 322 гектар майдонга чигит экиб, 32 центнердан ҳосил олишни режалаштири-

«Фалаба» ҳўжалиги бу йил 430 гектар майдонга «С-49-10» навли пахта уруғини қадашган. Маҳаммадҷон Маҳмудов бошқиб бош пудрат аъзоларининг қувончи бир олам.

Шунингдек, «Балиқчи» ширкат ҳўжалиги деҳқонлари 325 гектар пахта майдонидан 40 центнердан ҳосил олиш ниятида.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

ПАРҲЕЗ МАҲСУЛОТ

Самарқанд туманида яна бир янги қўшма корхона иш бошлади. Америкалик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Мароканд-парранда» қўшма корхонаси туманининг иқтисодий салоҳиятини янада оширишга ҳизмат қилади.

Вилоят касаба уюшмасига хат келди

Хатони тан олиб, уни вақтида тузатиш марднинг иши. Лекин раҳбар томонидан қилинган хато тан олинмасдан, амалдаги қонунларни четлаб, ўзбошимчилик билан талқин этиш - оддий меҳнат кишисига фоят оғир ботишини бошидан ўтказганлар яхши билишади.

ИШ БЕРУВЧИНИНГ ХАТОСИ

«Жиззах-ЛРС-Пласт» қўшма корхонасига қимматга тушди

Примқул Холиқулов 2001 йилнинг 12 мартидан бошлаб яхши ниятда янги очилган «Жиззах-ЛРС-Пласт» Ўзбекистон - Олмония қўшма корхонасига транспорт мутахассиси вазифасига ишга кирди.Ўзига юклатилган ишларни сидқидилдан бажарди.Шунинг учун раҳбариятдан фақат раҳмат эшитди.

Жамоа шартномасининг афзаллиги нимада?

Турмуш маданияти юксалган сайин маиший ва коммунал хизматга эҳтиёж ортиб бораверади. Бунда яхшироқ натижага эришиш эса биринчи гада соҳа ходимларига яратиб берилган шарт-шароитга боғлиқ.

ТАЛАБГА ЯРАШАШАР ОИТ

Ишловчидан талаб қилишдан олдин унга етарли шароит яратиб бериш керак. Биз ўз олдимишга шу вазифани қўйганимиз ва бунга эришиш учун қўлимиздан келган барча чораларни кўряпмиз.

2003 йилда иш берувчи ва касаба уюшма қўмиталари ўртасида тузилган жамоа шартномаларида ишловчиларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масаласига эътибор бир мунча кучайтирилди.

Мухими жамоа шартномаларида қабул қилинаётган масалалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси қонунларига зид бўлмастлиги назоратга олинди.

ҚУЛАЙ ВА ИМТИЁЗЛИ НАРХЛАРДА

Пойтахтдаги «Юнитех» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси фаолиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ҚУВВАТ ОШДИ

Фурқат туманидаги «Ишонч» хиссадорлик жамияти калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

ФЕРМЕР БЎЛМОҚЧИМИСIZ, «КЎКИ»ДАН ЧЎЗИНГ!

Фермер бўлиш иштиқидая юрганлар кўп. Бирок бу иш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди.

Масалан, Урганч туманидаги «Баҳром» фермер ҳўжалигини олайлик. Унинг раҳбари Марк Раҳмонов олий маълумотли иқтисодчи-хисобчи.

Масалан, Урганч туманидаги «Баҳром» фермер ҳўжалигини олайлик. Унинг раҳбари Марк Раҳмонов олий маълумотли иқтисодчи-хисобчи.

АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

Пойтахтимизда «Инсон ҳуқуқлари буйича адвокатлар» юридик фирмаси фаолият бошлади.

«Ишонч» бонг уради

Учинчи бор ҳам раисни тополмай ортига қайтаётганида омбор мудири Р.Матёкубова рубарў келди.

Учинчи бор ҳам раисни тополмай ортига қайтаётганида омбор мудири Р.Матёкубова рубарў келди.

СЎЗЛАШУВ ШОҲОБЧАЛАРИ

«Фаргонателеком» акционерлик жамияти аҳолига қулайлик туғдириш мақсадида жойларида сўзлашув пунктлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

МИЖОЗЛАР МАМНУН


Мамлакатимиздаги соғлом мотивий рақобат муҳити тижорат банклари томонидан миждозларни жалб этишининг янги усулларини қўлашга ундамоқда.

«Ишонч» мухбири

Унга биноан миждозлар ўзининг миллий валютадаги пулини юртимизнинг истаган ҳудудига шу заҳоти етказиб бериш имконига эга бўлди.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?



ЛАББАЙ, АНДИЖОН ЭШИТАДИ

Ахборот узатиш, маълумот алмашиш технологияларини такомиллаштириш тараққиётга юз тутган ҳар қандай давлатнинг муҳим жараёнлари сирасига кирди. Ишончли ва тезкор маълумотларга асосланганга вазибалар ва режалар йўналишини аниқ белгилаб олиш мумкин. Шу маънода Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори ахборотлаштиришнинг миллий тизимлари барпо этилишини, иқтисодий ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётига компьютер техникаси ва технологиялари оммавий кириб боришида катта аҳамият касб этди. Шунингдек, иқтисодий рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

беллари оптик ва акустик сигналга уланди. 18 та алоқа объекти ёнги-га қарши сигналлаштириш билан жиҳозланди. 30 та телефон қудуқларининг усти пайвандлаб қўйилди ёки бетон-плитлар билан беркитилди. Натихада қимматбаҳо материаллар ва станция жиҳозлари талон-тароҳ қилинишининг олди олинди. Бугунги кунда соҳани малакали мутахассислар билан бойитиш учун сайёҳаракатлар олиб борилаётган. Масалан, 10 нафар ҳодим тажриба ортириши мақсадида Япония ва Кореяда бўлиб қайтди.

«Андижонтелеком» жамоаси мазкур ҳукумат қарорини ҳаётга татбиқ этиш, аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатиш борасида бир талай ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, ўтган йил 2 миллиард 618 миллион 291,7 минг сўмлик алоқа хизмати кўрсатилди. Шаҳарлараро сўзлашувларнинг сони сезиларли даражада ортди. Бунга асосан қишлоқ телефон АТСлари замонавий аппаратура билан таъминланганлиги эвазига эришилди. Натихада, ушбу соҳа бўйича олинётган даромад ортиб 1 миллиард 354 миллион 149,6 минг сўмни ташкил этди. Эътиборлиси шундаки, айни пайтда Корея Республикасининг EDCS кредит линияси бўйича қурилган замонавий телефон станцияларидан фойдаланилмоқда. Мазкур жиҳозлар тўла фойдаланишга топширилгандан сўнг филиал телекоммуникация тармоғига 4 та рақамли телефон станциялар ва 150 километрлик оптик толали алоқа линияси қўйилди. Туман марказлари рақамли телекоммуникация тармоғи билан таъминланиб, замонавий ахборот тармоқлари улашиш имкониятига эга бўлади.

Филиалда ишчи-ҳодимларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дейди вилоят алоқа ҳодимлари билан бирлашган қасаба уюшма кўмитаси раиси Пулатжон Хошимов. - Хусусан, жамоа шартномасида кўрсатилган барча талаблар амалда ўз ифодасини топаётган.

Жумладан, ҳар бир меҳнатқил бажарётган вазибаси, фахрлилик чоралари, оилавий шароитлари каби масалалар ўз аксини топган. Ойлик маошлар, имтиёзлар ўз вақтида бериб борилаётган. Уртача иш ҳақи 43 минг 504 сўмни ташкил этмоқда.

Ҳодимларнинг соғлиқларини тиклаш мақсадида санитарияларга 15 та йўлланма ажратилди. Алоқчиларнинг фарздундарида 80 нафари юртимизнинг ҳушманзара дам олиш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришди. Ҳодимлардан 26 нафари Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий қадимжоларга зияратга бериб қелишди. Бунга 2,5 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. 210 нафар ишчи-ҳодимларимиз учун Арсиф ва Арслонобод туристик пансионатига йўлланмалар ажратилди.

О.ЭРГАШЕВ, «Ишонч» муҳбири

«Наргиза» чойхонасида ҳар жума кун бундай тушлик одатий ҳол. Ушбу кезда меҳмонларнинг кўриб ёшлар ва ўрта ёшдагилар биров тортиниб, ўзини четга олиб, одоб сақлаб туришди. Негаки, хайрий тушликка кўпинча кекса авлод вакиллари ташриф буюришади. Келувчилар кираверишда чойхона соҳибби Озод Матрасулов ва зал бошлиғи Собирёв Бобононов иштирокида кутиб олинади. Айрим кунлари «Хоразмнаво» ансамблидан санъаткорлар ташриф буюришади, лекин кўпинча асосий хизматда маҳаллалардан келган ҳаваскор ижрочилар бўлишади.

Олдинлари бундай тушликка Урганч шаҳридаги 10-27 чойхонага яқин маҳаллаларда истиқомат қилувчи яққа-ёлғиз, кекса, ногирон, кам даромадли кишилар ташриф қилинади. Эндиликда шаҳарнинг бошқа бурчакларидан келувчи 150 га яқин шундай кишилар учун ҳар жума кун бепул овқат тайёрланиб, тўкин дастурхон ёзилади.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш керакки, бу ерда учта маҳаллада истиқомат қилувчи яққа-ёлғиз ва эҳтиёжманд 20 нафарга яқин киши учун доимий тушлик ташкил қилинган. Чойхона ишчилари уларни яқин танишади. Борди-ю уллардан биронтаси кўринмай қолса, дарҳол уйларига бориб, ҳолидан хабар олишади, ёғулик элтишади, зарурат бўлса, шифоқор қақирғишга ҳам ёрдамлашади.

Дарвоқе, элда моҳир ошпаз сифатида танилган Озод Матрасулов бундай савобли ишни бундан ўн йил олдин бошлаган. Дастлаб у ўз оғайнилари билан ташландиқ ҳолга келиб қолган чойхонани қайта таъмирлади, киши ва ёғи залларни беэзади, жиҳозлади, ўринларни кенгайтирди.

Ушундан ишларини юришиб кетса етим-есир, яққа-ёлғиз кишиларга, кексаларга саховат кўрсатаман, деб дилимга туғиб қўйганман. Ишларим олдинга силжигач, ниятимни онамга айтдим. 11 фарзандни боқиб тарбиялаган онам жуда севиндилар. Даромаднинг маълум қисмини хайри-эҳсонга сарфласанг, мурувватли бўлсанг ишларинг янада ривож топаркан, - дейди О.Матрасулов.

Чиндан ҳам тadbirkорнинг ишлари юришиб кетди. Дастлаб ён атрофдаги маҳаллалардан яққа-ёлғиз, ногирон қариялар хайрия тушликга ташриф буюрган бўлса, кейинчалик уларнинг сони бошқа маҳаллалардан келадиганлар ҳисобига кўпайди. Бора-бора байрам ва хайрия тadbirlари шу ерда нишонланганидан бўлиб қолди.

Озод Матрасулов йилга бир неча марта Хивадаги 20-сон «Меҳрибонлик уйи»га аталган «карвон»га сарбонлик қилади. Ота-она меҳридан, эркалашларидан бенаиб болаларга бундай ташриф ҳамиша қувонч бағишлайди. Мезбон, директор Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак ҳомиёларнинг ташрифини ҳар гал ҳақиқий байрамга айлантиришга ҳаракат қилади. Дастлаб яқиндагина ўз туғилган кунларини нишонлаган ёки нишонлайдиган кўнгли ўқсик болаларга совға-саломлар тарқатилади.

Эзгулик йўлида қилинган заҳматларини Оллоҳ қўллаб-қувватларкан. Тиниб-тинчимас, саховатли ишбилармон О.Матрасулов яқинда «Урганч дехқон бозори» бошқаруви раиси қилиб тайинланди. Унинг ишини ўғли Шерзод ва қаддон дўсти Собирёв Бобононовлар давом эттиряпти. Лекин ҳар жума кун чойхонага келиб, қариялар билан суҳбатлашишга раис вақт топади.

Меҳрибонликка йўғрилганларнинг манзиллари ҳам, қисматлари ҳам ҳар хил. Улар орасида ўзбек

Меҳр қолур, мурувват қолур

ҳам, татар ҳам, рус ва корей ҳам бор. Тақдир тақозоси туфайли уларнинг айримлари турли сабабларга кўра ёлғизланиб қолишган. Бу кексалар бир жойга йиғилишганда қувончдан барчаси кексаликни ҳам, ёлғизлик-у муҳтожликни ҳам, дардни ҳам унуттишади. Мана 77 ёшли, уруш фахрийси Валентина Филатова шундай дейди: - Барчаси учун Озодга ҳам, Со-

жума кун дугонаси Валя Филатова билан бир стол атрофида суҳбат қуради. Нариги столларда Отаназар Аҳмедов, Қудрат Исмоилов, Фойибназар Чанглиев, Маҳмуд Собиролларнинг суҳбати кизиқ кетган. Уларнинг кўзлари ожиз, лекин руҳияти баланд. Суҳбатларга қулоқ тутар экансиз, бир нарсанга ишонч ҳосил қиласиз. Кексалар чойхонага фақат тамаддиқилиш учун эмас, балки кўнглиларига яқин кишилар билан дийдорлашиш, дилдан гурунглашиш учун ташриф буюришади. Таниқли шоир, ёзувчи, санъаткорларнинг ташрифига, мусикали тadbirlар даврага янада файз киритади.

ҲАР ЖУМА КУНИ ХАЙРИЯ ДАСТУРХОНИ

бирёзга ҳам, ошпаз Гулчехрага ва унинг доимо қулиб турувчи ёрдамчиси, илтифотли официант қизларга, муллоим Шерзодга ҳам раҳмат.

- Турли сайроқи қўшларнинг овозини тинглаб, тановул қилишга нима етсин - дейди Александр Иванов.

- Хар жума келамиз. Бу жой биз учун маънавият ва маърифат маркази ҳам. Турли мавзуларда суҳбатлашамиз, мунозара қиламиз. Саховатли инсонлар бола-чақасининг роҳатини кўрсин, - дейди тугма ногирон Ноил Шукруллаев.

Мана соат ҳам 10 дан ошди. Чойхонанинг шинам зали хайрия ошига келганлар билан тўлди. Чойхона ишчилари хизматда. Катта дошқозондаги паловнинг хушбўй хиди иштаҳани қитқилди. Ҳу анаву столда узок йиллар Хоразм қурилиш-монтаж бошқармасида бульдозерчи бўлиб ишлаган, 1-гурӯх ногирони Йўлдош ота Ёқубов ўз ҳамкасби Отабой Курбонов билан ачиққина чойдан хўнлаб, суҳбатлашиб ўтирибди. Уларнинг гурунгига уруш қатнашчиси, узок йиллар электр тармоқлари тизимида электр қулиб ишлаган Александр Иванов ҳам қўшилиб қўяди. Сора Раимова ҳар

Чойхонанинг бошқа залларини унинг доимий мижозлари эгаллай бошлади.

Бу ернинг таомлари жудаям яқши. Айниқса, «Наргиза»дагидек тандир-шўрва, сомани бошқа ҳеч қаердан тополмайсиз, дейишда доимий мижозлар. Бундай миннатдорчилик сўзларини эшитган Шерзод Матрасулов қўли кўксига, жиммайиб қўяди ва: - Эзгу сўзларингиз учун раҳмат, келиб турилгилар. Сизларга хизмат қилишдан мамнунимиз. Базм ёки тўй ўтказмоқчи бўлсангиз, марҳамат хизматдамыз. Ҳамма нарсани муҳайё қиламиз. Таомномамиздаги йиғирма беш ил таомдан хоҳлаганингизни буюринг. Ишонмакки, улар сизга манзур бўлади, - дейди.

Мана хайрия тушлиғи ҳам тугади. Меҳмонларни мезбонлар қандай илиқ қутиб олган бўлса, шундай қузабти қолишади. Кексаларнинг юз-кўзларида мамнунлик аломати. Қўллар чин дилдан дуога очилади.

Беихтиёр Умар Хайёмнинг ушбу рубойисини ёдга тушади: Бир гариб кўнглини қила олсанг шод, Яқшидир ер юзин қилгандан обод, Лутфингла бир дилни қул қила олсанг, Яқшидир минг қулни қилгандан озод Кўклам РАҲИМОВ

Бир Фармон шарофати

ЮСАИД ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА

Ўзбекистон Президентининг аҳолини табиий газ ва сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яқшилатиш тўғрисидаги «Фармони Қорақалпоғистон фуқаролари турмуш тарзини кўтаришда муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, ушбу Фармон асосида Оролбўйида экологик вазиятни мўтадиллаштириш, тоза ичимлик суви муаммосини ҳал этишга қаратилган дастур ишлаб чиқилган. Америка Қўшма Штатларининг халқаро ҳамкорлик агентлиги ЮСАИД томонидан Марказий Осиёда, жумладан, Оролбўйида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича бир қатор лойиҳалар тайёрланиб, ҳаётга татбиқ этиляпти.

Ўзбекистон Макроиктисодий ва статистика вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ҳамкорликда битим тузилганига икки йилдан ошди. Тоза ичимлик суви лойиҳасига Нукус шаҳридаги насос станциясини реконструкциялаш, Тахиташо шаҳри ва Хўжайли туманида хлорлаш

тизимини ташкил этиш, қишлоқларга пластик қувурлар тортиш ва «Сувқоз» корхоналарини хизмат кўрсатиш ускуналари билан таъминлаш вазифалари киритилган. Агентлик ёрдами билан Нукус шаҳрида сув таъминотини йўлга қўйишга хизмат қилувчи замонавий ускуналар келтирилди. Маҳаллий операторларга ўрмаловчи экскаваторлар бошқариш ва техникавий хизмат кўрсатиш ўргатилди.

Яқинда бу ерда сув таъминотини яқшилатиш ташкил этувчи ускуналарнинг янги турлари - 3 та юк кўтарувчи қран, оқова сувларни тозалаш ва носозлик рўй берганда ёруғлик берувчи тизимлар, дизели пайвандлаш аппарати, кўча электрик трогенератор, ҳар хил насослар келтирилди.

Оролбўйига тоза ичимлик суви етказиб бериш - долзарб вазифа ҳисобланади, - дейди биз билан суҳбатда Жаҳон банкининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи раҳбарига Расберган Камолов. - Халқ саломатлигини сақлаш мақсадида бундай хайри ишлар кўлами янада кенгайди. ЮСАИДнинг худудий директори Майкл Биддисоннинг таъкидлашича, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган икки томонлама ҳамкорлик бундан кейин ҳам давом эттирилади.

ЁЛҚИН

Ҳазорасп туманидаги марказий шифоқонага қарашли шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимидаги қўли енгил ҳодимлар кейинги пайтда аҳолига хизмат

кўрсатиш маданиятини тобора ошириб бормоқдалар. Бу ерда меҳнат қилаётган 100 нафар врач ҳамда ҳамшираларнинг малакаси ҳамда ширин сўзчилигидан

аҳоли ниҳоятда мамнун.

Суратларда: шифо маскани ҳаётидан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар

Ҳақ-ҳуқуқимизни билалйлик, уни ҳимоя қила олайлик АРИЗА БЕКОРГА ЁЗИЛМАЙДИ

Наманган вилояти қасаба уюшмалари Кенгашига ўтган йилнинг ўзига жами 657 нафар киши оғзаки, 86 нафар киши эса ёзма равишда мурожаат этди. Шуллардан 29 та ариза меҳнат шартномаларини бекор қилиш ва бошқа ишга ўтказиш, 20 таси эса иш ҳақига доир ҳамда муқофотлаш ва меҳнатни меърипларни ташкил этиш, 2 таси меҳнат дафтарчаларини қоритиш тартибига оид бўлиб, уларнинг барчаси қонунда кўрсатилган мuddатларда ижобий ҳал этилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш ҳодимлари қасаба уюшма кўмитаси 13 нафар ариза-чининг 11 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатди. 60 нафар оғзаки мурожаат этганлар зарур йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олишди. Таълим ва фан ҳодимлари қасаба уюшма кўмитасига 11 та ёзма ва 15 та оғзаки мурожаатлар бўлди. Мисол учун Чуст туманидаги 42-мақсус санаторий-интернат мактаби тарбиячиси Насимов байриқоний ишдан бўшатилганлигини билдириб, ёрдам сўради. Вилоят тармоқ кўмитаси уни ишга тиклаш ҳақида иш берувчига тақдимнома киритди. Лекин маъмурият бундан қатъийан бош тортди. Натихада кўмита Насимовнинг поймол этилган қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилди. Суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқиб, ҳодимни аввалги лавозимига тиклаш ҳамда унга етказилган моддий зарарини ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Аграрноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшма вилоят кўмитасига ҳам тез-тез аризалар тушиб турибди. Натихада 79 ташкилот ва корхона раҳбарларига иш ҳақидан мuddати ўтган қардорликни тугатиш бўйича тақдимномалар жўнатилди. 6 та ташкилот устидан эса фуқаролик судига даъво аризалари киритилди. 3 та корхона бўйича прокуратура органларига мурожаат қилинди. Меҳнат ахлига 296,2 миллион сўм кечиктирилган иш ҳақи ундириб берилди. Шунингдек, кўмитага уч йил давомида тушган 35 та ариза ва шикоятлар қонунга биноан ўз вақтида қўрилди. Шундан 6 таси .ноқонуний ишдан бўшатиш тўғрисида бўлиб, барчаси қанотлантилди. 11 нафар киши эса тоvon пулларини ундириб олишга муваффақ бўлди.

Шунга қарамадан жойларда бу борада баъзи бир қанқилиқлар ҳам учраб турибди. Масалан, «Пахталикўл» шикоятчида қабул қилинган жамоа шартномаси қўдан кенчирилганда, у Федерация Кенгаши томонидан берилган тасвирлар асосида ишлаб чиқилмай, тadbirlар йиғиндисидан иборат бўлиб қолган. Раҳбар томонидан берилган буйруқлар Меҳнат Кодексининг 107-моддаси талабларига мувофиқ бўлмади.

Хуллас, вилоят қасаба уюшмалари тизимида ҳали қилинадиган ишлар кўп. Шу боис бу борада янада кўпроқ изланиш керак бўлади. Насиба ТИЛЛАҲУЖАЕВА, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг юридик бўлими етакчи ҳуқуқшуноси

КОЛЛЕЖ ҚОШИДА ПОЛИКЛИНИКА

Термиз тиббиёт коллежи талабаларининг амалиётини янада мустаҳкамлашлари учун катта имконият туғилди. Коллеж қошида барча қўлайликларга эга бўлган поликлиника ишга туширилди. Коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича муювини Раҳматулло Норов бу ҳақда шундай деди:

-Поликлиниканинг очилиши бизга икки жиҳатдан фойдалидир. Биринчидан, шу ернинг ўзида талабалар ўз соғлиқларини назорат қилдилар, тиббий қўриқдан ўтадилар. Иккинчидан эса, жамоамизнинг малакали ва тажрибали мутахассислари тўлиқ иш ўрни билан таъминландилар. Янги поликлиникада акушер-гинекология, кўз, қулоқ, томоқ, бурун касалликлари муолажа хоналари бор. Талабаларимиз дарс жараёнида бевосита шу ернинг ўзида амалиёт ўтадилар.

КўНГИЛ КўНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ўрта мақсус касб-ҳунар таълим бошқармаси ўрта мақсус, касб-ҳунар тизимида тахсил олаётган етим, кам таъминланган, шунингдек ногирон болаларга алоҳида эътибор бермоқда. Шу муносабат билан Термиз тиббиёт коллежида хайрия тadbirlари ўтказилди. Шу кун ичарди колледжларга ўқитган 164 нафар талабага қийим-кечак, пойафзал ҳада қилинди. Дастурхон ёзиб ош берилди.



«Туркистон-пресс»



ТИББИЙ ХИЗМАТ ЯНАДА ЯҚШИЛанаДИ

Қашқадарё вилоятига «ЕвропаЭйд» лойиҳаси доирасида 105 минг евролик тиббий асбоб-ускуналар келтирилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Раҳматулло Раҳмоновнинг айтишича, ушбу лойиҳа вилоят санитария-эпидемиология лабораторияларида клиник-диагностика ишларини яқшилатиш, шунингдек тиббий ёрдам бўлиmlарини замонавий ускуналар билан жиҳозлашга қаратилган. Тиббий жиҳозлар орасида вирусли гепатитнинг барча кўринишларини аниқлашда ишлатиладиган ноёб ускуналар ҳам мавжуд. Улар Қарши шаҳри, Дехқонobod, Қирқоқ, Миришкор ва Қарши туманларидаги соғлиқни сақлаш муассасаларига ўрнатилди.

ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

Вилоят касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Меҳр ва зиф» мавзуида иншолар танлови бўлиб ўтди. Унда олтинмишга яқин ўқувчи иштирок этди.

«Меҳр ва мурувват йили» вилоят дастури доирасида ўтказилган танлов ўқувчиларни миллий кадриятлар, аънана ва урф-одатлар асосида тарбиялашга қаратилган.

Амалга оширилаётган тарбиявий ишлар туфайли ўқувчиларнинг меҳр-мурувват тўғрисида теран тушунарча эга эканлиги улар ёзган иншоларда ҳам ўз аксини топмоқда. Танловда Жиззах шаҳридаги «Сайилжой» академик лицейининг ўқувчиси Шаҳноза Худанова ғолиб чиқди.

БУ БИЗНИНГ МЕБЕЛ

Бозор талабларига дош беролмаган Шўрчи туманидаги «Мебел» фабрикаси бир мuddат ёпилиб қолди. Тажрибали мебелсозлар ўзга жойлардан иш излашга мажбур бўлиб турган кунларда «Қуришли ва ме-

АМИР ТЕМУРНИ АНГЛАШ ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШДИР

«БИЗ КИМ МУЛКИ ТУРОН...»

Хаётда шундай буюк зотлар бўлади, жаҳоннинг юраги улар куқсида уриб туради. Ана шундай улуг Шахслар миллатни миллат, юртни юрт сифатида дунёга танитадилар. «Биз ким мулки Турон, амири Туркистонмиз. Биз ким миллатларнинг энг қадими ва энг улуги туркининг бош бўғини» дея дунёга ўзбек номи ила донг

Миллатнинг дардларига дармон бўлмақ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсуларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва Озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсун. Мен кибиз узун салтанат сурмак истасангиз, қилчанингиз яхши ўйлаб чекангиз. Бирдаффа чеккандан сўнгера-да уни усталик-ла қўламангиз. Орангизга ни-фок тухумлари экиласангиз учун кўп диққат бўлинг. Бағзи нодимларингиз ва душманларингиз нифок тухумлари сочмакка, бундан фойдаланмакка чалмажакдурлар. Фақат васиятимида сизга шודה шаклини, унинг ишқуларини кўрсатдим. Буларга содиқ қолсангиз тож бошингиздан тушмас.

таратган Амир Темури бобомиз ҳам нафақат миллатимиз, балки дунё халқлари бошида балқан эзгулик куёши эдиларкин, у зотнинг тафаккур гулшани, баҳодирлигидан қанчадан-қанча давлатларда адолат ўрнатилди, ҳақиқат қарор топди.

Она тарих олдига Соҳибқироннинг хизматлари бекиёсдир. Амир Темури XIV асрда мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, Эл-улусни муғул истилочилари зулмидан озод этиб, 35 йил Самарқанд тахтини бошқариб буюк салтанатга – марказлашган давлатга асос солди.

Шу даврда ул зот 30 мартадан ортқ харбий юришлар уюштириб, хамиша голиб бўлган. Амир Темури тузган салтанат Арабистон ярим оролидан шимолга то Москва князлигига қадар, Шарқда Хитойдан фарб томонга Урта-ер денгизи ва Миср давлатлари ерларини ҳам ўз ичига олди.

Хаёт мезонини «Миллатнинг дарди-га дармон бўлиш»да деб билган Амир

Утган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиждий асарлар сонин Европа тил-ларида 500 дан зиёд, Шарқ тил-ларида эса 900га яқинни ташкил этади.

Темури триклигидак миллий доирадан чиқиб бутун инсониятнинг ёркин сиймосига айланган эди. У жаҳон тарихидаги ўнлаб жаҳонгирлардан фарқли ўлароқ, ўзидан эзгу ном қолдирди. Буюмқони эмас, хамиша тузмоқни ўйлади. У умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлди. Хазратнинг «Қай бир жойдан бир фиш олсам, ўрнига ўн фиш қўйдирдим, бир дархат кестирсам, ўрнига ўн кўчат эктирдим» деган сўзлари бу ҳикматнинг исботидир.

Утган давр мобайнида қанча давлатлар, салтанатлар барпо этилса-да, уларнинг бирортаси адолатли сийсатда, одилликда, илм-маърифат, ўзаро ҳамкорлик, дўсту биродарликда Амир Темури тузган давлат билан тенглашмайди. «Адолат кучда эмас, куч адолатда», деб билган Амир Темури сал-хияти шунинг учун ҳам халқимиз буюклигининг тисоли, маънавий куч-қудратимиз рамзи сифатида асрлар оша яшамокда.

Амир Темури давлатни куч билан эмас, адолат билан, ақл-заковат, ҳуқуқий асос билан бошқарган. Хазратнинг «Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим» деган сўзлари фикримиз далилидир.

Амир Темури давлатларнинг ўзаро кўшнчилик алоқаларига катта аҳамият бериб, дўсту ҳамкорликсиз истиқбол йўқлигини ўз давридаёқ теран англаб етган эди. Маънавият ва маърифатни, юрт ободлиги ва эл фаровонлигини ўйлаб Европа ва Осиё ўртасида ҳамкорлик алоқаларини боғлашга алоҳида эътибор қаратган. Шу боис олти асрдик, бобокалонимиз яратган харбий таълим тизими қудратли давлатларда алоҳида ҳурмат-эътибор билан ўқиб ўрганилади. Ҳатто, тарихда катта ўрин эгаллаган Наполеон ҳам унинг таълимоти олдига ҳурмат баҳо келтирган экан. Амир Темурининг ана шундай эзгу ишлари учун инсоният унга олтиндан ҳайкал қўйган.

Америкалик олим Эдвард Олвард ўз асарига «Гран Темури шак-шубҳасиз тарихдаги буюк сиймо», деб эътироф этса, йирик француз тарихчиси Люсьен Керен «Амир Темури – инсоният оламидаги сирли мўъжиза», деб ёзиб қолдирган. Қарангки, бугунги кунда давлатлар халқаро миқёсда адолатли тарзда яратётган интеграция ҳақида Соҳибқирон 600 йил олдин сийсат юргизган экан. Урта асрлардаёқ у Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл IV, Англия қироли Генрих IV саройига элчи юбориб, уларнинг элчиларини Самарқандда иззат-ҳурмат билан қаршилаган Соҳибқироннинг Франция қироли Карл IV га ёзган мактубида шундай сатрлар бор: «Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб, иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортқча тазийқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро дунё савдо аҳли билан обод бўлажак».

Амир Темурининг ҳақ ва адолат йўли эса унинг халқаро майдондаги сал-хиятига асос солган. У жаҳонгир фотиҳ сифатида турли миллат ва эл-ларни, ирки, дини ҳар хил одамларни бир мақсадга бўйсиндирган. Уларни эзгулик атрофига бирлаштирган, ҳамжихатлик ва тараққиёт, тинчлик ва осойишталик йўлида дунё олимлари ва хунармандларини бир-бирига ҳам-кор-ҳамнафас, дўсту биродар тутин-тирган.

Соҳибқироннинг инсоният олдига-ги яна бир буюк хизмати илм, фан ва санъат аҳлига ҳомийлиги бўлса, фаолиятининг ёркин қирралари ободлаштириш ва бунёдкорлик юмуш-ларида акс этган. Унинг бевосита раҳбарлигида бунёд этилган Биби-хоним жоме масжиди, Гўри Амир, Аҳмад Ясавий, Занги ота макбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий мажмуалар, бир-биридан гўзал боғлар ва гўзал саройлар... Соҳибқирон қурдирган бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, канал-лар, қалъалар, ҳаммомларнинг сон-саногини йўқ эди. Биргина Самарқанднинг ўзида Амир Темури ҳукмронли-ги даврида 80 дан ортқ ҳаммом, ўнлаб бозорлар бўлган.

Соҳибқирон хамиша адолатни ҳимоя қилиш билан бирга дини-ди-ёнат учун ҳам курашган. Оддий халқни зулмдан халос қилиш учун жан-га отланган. Ақсарият ҳолларда урушлар Амир Темури рақибларининг адолатсизлиги, иймон-диёнатни унутганлигидан келиб чиққан. У қай бир мамлакатга ташриф буюрмасин ўзи билан бирга маърифат, маданият, тинчлик-осойишталикни ҳам бир-га олиб борган. Дастлаб ўша ҳудуд-даги олиму фузалолар билан урча-ши илм-фанини ривожлантирган, халққа фаровон ҳаёт бахш этган.

Донишмандлар эътироф этганидек,
«Яна амр қилдимки, ганим томонидан бизнинг қўлимизга ҳар қандай си-ноҳий асир бўлиб тушса, уни ўлдирма-синлар, унга ихтиёр берсинлар. Агар на-варкарликни қабул қилса, навкар қилсин-лар, йўқ эса уни озод этсинлар. Бунга мисол мен (Қайсар билан урушда) тўрт минг румлик аскарини озод қилдим».

буюк шахсларни тарих яратди. Мил-латнинг шон-шавкатиини кўтариш, уни дунёга танитиш масъулияти олти аср олдин Соҳибқирон Амир Темуридек халқ дардида дармон бўлган жаҳон-гир фотиҳга насиб этган бўлса, тарихий шарт-шароит тақозоси билан бу залворли иш бугун адолатпарвар Юртбошимиз Ислам Каримов зимма-сига тушмоқда. Хазрат бобокалонимиз асос солган миллий давлатчилик та-янчи, миллий бошқарув аъёналари бугун замонавийлашиб юртимизга қай-тмоқда. Қадриятларимиз тикланиб, аждодларимизнинг руҳи шод этилмоқ-да. Хуллас, ҳар бир эзгу ишимизни Соҳибқирон бобомизнинг руҳлари қўллаб-қувватламоқда. Шу боис Президентимиз айтганларидек,

«Амир Темури шахсини идрок этиш тарихни идрок этиш демакдир».

Амир Темурини англаш ўзлигимизни англашдир.
Амир Темурини улуглаш тарих қаъри-га чуқур илдиэ отган томирларимизга, маънавиятимизга, қудратимизга асосла-ниб, буюк келажагимизга ишончимиз-ни мустаҳкамлаш демакдир».

Амина КОДИРОВА



«...Салтанатимнинг у четидан бу че-тигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир дон-асига ҳам зарар етмайдиган тартиб-инти-зом ўрнатдим».

«Кимники ҳузуримга киритган бўлсалар ва кўзим унга тушган бўлса, ҳолига яра-ша ҳурматлаб, совға-инъомлар билан ку-затсинлар. Ҳар қандай одам менинг адо-лат девонимдан паноҳ топган экан, гу-ноҳи бўлса ҳам кечирилсин. Иккинчи, учин-чи, яна гуноҳ қилгудек бўлса, у чоғда гу-ноҳига яраша жазоласинлар».

«... ҳар бир фатҳ этилган мамлакат-да у ернинг гадоларини (бир ерда) тўплаб, кундалик ейиш-ичишларини белгиласин-лар. Барчаси тамғалансинлар, токи бо-шиқа гадоллик қилмасинлар. Агар тамға-дан кейин ҳам гадоллик қилгудек бўлса-лар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсинлар ёки ҳайдаб юборсинлар. Шун-дагина гадо мамлакатимида йўқолади».

«Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаер-да бўлмасин, ким тутиб олса, жазолансин. Кимки бировнинг молини зўрлик қилиб олган бўлса, мазлумнинг молини зolimдан тортиб олиб, эгасига топширсинлар. Агар кимда ким тиш синдирса, кўзни кўр қилса, қулоқ ва бу-рун кесса, шароб ичса, зина ишлар қилса, девондаги шариат қозиси ёки аҳдос қозисига олиб бориб топширсинлар. Шариатга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси ҳукм чи-қарсин. Урф-одат ишларини эса аҳдос қозиси тафтиш қилиб, сўнг менга етказсин».

Маълумки, XIV асрнинг 60-70 йилларида Урта Осиё ҳудудида Амир Темури асос солган йирик дав-лат вужудга келди. Соҳибқирон ўз давлатини икти-содий, сийсый ва маданий жиҳатдан юксак даража-га кўтарди. Мамлакатда йирик қурилиш ва бунёд-корлик ишлари бошлаб юборилди. Фан, маданият, санъат ва адабиётнинг юксалиши жараёнида тибби-ёт ҳам ривожланди. Йирик шиғохонлар, дорихона-лар, кутубхоналар барпо этилди. Мадрасаларда дунёвий билимлар қатори тиббиёт ҳам ўқитилди.

САМАРҚАНДДАГИ «ДОР УШ-ШИФО»

Амир Темури юрт ободлиги ва эл саломатлиги-га алоҳида аҳамият қарат-ди. Бу ҳақда «Темури ту-зқулари»да шундай дей-илади: «Хароб бўлиб ёт-ган ерлар эгасиз бўлса холиса (давлат даромад-лари ва ерлари билан шуғулланувчи олий ман-сабдорлардан иборат ҳайъат) томонидан обод қилинсин... Уларда ко-ризалар қурилсин. Бузил-ган кўприкларни тузат-синлар, ариқлар, дарё-лар устига кўприклар қур-синлар, йўл остида ҳар манзилгоҳда работлар барпо этсинлар. Яна амир этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қиш-лоқда масжид, мадраса, хонақоҳлар бино қилсин-лар, фақури мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шиғохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар та-йинласинлар».

Соҳибқирон даврида ҳар бир шаҳарда шиғо-хона бўлган, уларда би-лимли ва тажрибали та-библар ишлаган. Жум-ладан, Самарқанддаги «Дор уш-шифо» номи би-лан юритиладиган шиғо-хона бўлиб, унга ўз за-монасининг таниқли таби-б Мир Саййид Шариф Шерозий (1330-1414) раҳбарлик қилган. Бу та-биб асли жўржонлик бўлиб, Амир Темури тақ-лифи билан Самарқандга келган. Бундан ташқари, Ҳисомиддин Иброҳим Қирмоний, Мавлоно Фай-зуллоҳ Табризий, Мансур-ибн Муҳаммад қайи йирик табиблар ҳам шу даврда яшаб, иждоҳ этмишган. Мав-лоно Файзуллоҳ Табри-зий Амир Темурининг шах-сий табиби бўлган. У соҳибқироннинг барча сафарларида бирга бор-ган. Табиб Мансур ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ибн Фақиҳ Илёс-нинг тиббиётга оид «Ри-сола давр тарихи бадаи инсон» асари маълум.

Ушбу рисола Темурининг 1405 йили ўлдирилган невараси Пир Муҳаммад Баходирга бағишланган. Рисола муқаддима, беш-та боб ва хотимадан ибор-ат бўлиб, унда муаллиф тиббиёт ва саломатлиқни сақлашнинг муҳим маса-лалари ҳақида сўз юри-тади. Чунонки, тананинг соғлом ва касал ҳолати, беморга ташхис қўйиш ва уни даволаш, саломат-лиқни сақлаш тадбирла-

ри кўрсатилган.
Амир Темури даврида тиббиёт ниҳоятда ривож-ланган эдики, ҳатто та-библар ўлган одамнинг жасадини балзамлаш усу-лини ҳам мукамал эгал-лашган. 1941 йилда ҳуку-мат комиссияси томони-дан Самарқанддаги Гўри Амир макбарасига дафн этилган Амир Темури, Мир-оншоҳ, Шоҳруҳ, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Сул-тон ва Бибиҳоним макба-расидаги Бибиҳоним дах-малари очилиб кўрилган-да, уларнинг жасади му-миёланганлиги аниқлан-ган.

Амир Темури ўз замона-сидаги ижтимоий гуруҳ-ларни ўн икки тоифага бўлган. Улар ичиде та-библар, мунажжимларни бир тоифага киритган. Уларни салтанатга ривож берувчилар, деб атаган. Амир Темури табиблар ҳақида шундай деган: «Ҳақимлар ва табиблар билан иттифоқда бўлиб уларга касал навкарла-римни даволатдим». Бун-дан кўринибдики, Темури кўшинларида ярадор ва бемор жангчиларни даво-ловчи табиблар бўлган. Амир Темури уларга нис-батан яхши муносабатда бўлган ва хамиша ҳурмат билан қараган.

Амир Темури айниқса аҳоли ўртасида турли хил касалликлар пайдо бўли-ши ва тарқалишига қар-ши тадбирларни ҳам амалга оширган. Бунинг учун шаҳарларни ва бо-шқа аҳоли яшайдиган жой-ларни озода сақлаш, хал-қни тоза ичимлик суви билан таъминлаш чора-ларини амалга оширган. Озодалиқка риоя қилма-ган ва кўча-қўйларга ах-лат ташлаган кишиларни жазолаган. Сувени тоза сақлаш учун усти ёпиқ сўв қувурлари барпо эт-тирган. Шаҳарлар ўрта-сидаги йўлларда сардо-балар қурдирган.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темури халқнинг моддий-маънавий ва ма-даний жиҳатдан яхши яшашига алоҳида эъти-бор қаратган. Эл-улус-нинг саломатлиги, бе-морларни даволаш, етим-емирлар келаёган ҳақида гамхўрлик қилишда му-ҳим ишларни амалга оширган.

Маъмурахов СУЛАЙМОНОВА, тарих фанлари номзоди

СОҲИБҚИРОН ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

Санъат, санъаткор ва то-мошабин масаласи жуда му-раккаб. Санъаткор санъатни яратаверади, кимга ёқди, кимга ёқмайди, бу ҳозирча сир, асар тақдирини томоша-бин ҳал қилади. Шубҳамиз йўқ, мумтоз даражага ҳам санъат муҳлиси олиб чиқа-ди. Шунинг учун мактовлар-



га берилиб, танқидлардан сира кўркмаслиғини керак. Турли хил фикр-мулоҳазалар иждоқор асарини пишийтиб, умрини узайтиради.

Ўзбекистон халқ рассоми, академик, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Малик Набиев иждоқорларида шулар ҳақида сўхбатлашди. Му-саавир ҳеч қачон асабийлаш-майдилар, ким нима деса, кат-тами, кичими эшитаверади-лар. Тўри бўлса тўри, нотўри бўлса нотўригилсини да-лиллар асосида тушунтириб қўй қоладилар. Санъатшунос-ми, санъат муҳлисинингми доно фикри бўлса, қўллаб-қувватлайди.

Малик Набиев ҳаёти ва ижодини кўп йилдан буён ўрганиб келаётганим учун асарларини ўз вақтида куза-тиб бораман.


Ижодини 1937 йилда «Ўзбек портрети»дан бошлаб томошабин эътиборини тор-тган мусаавир тарихимизга қизиқиб, бир эмас, бир неча асарлар яратди. У «Барлос» уруғидан бўлиши адолат, ҳақиқат учун курашган халқ фарзанди Амир Темури қиёфа-сини тўлақонли акс эттирди. Айтиш жоизки, саркарда пор-третини яратишнинг ўзи бўл-мади. Эллиқ уч йил излан-ди. Нихоят, 1993 йил охири-да Соҳибқирон қиёфаси ран-гасвирида намён бўлди. Му-хокамаларда айрим санъатшун-ослар эътирозлар билдири-шиб, «Амир Темури портрети-ни яратиш учун ўзбек тасви-рий санъати яна ўз йилдан кўпроқ вақт керак» деган фикр-ни ҳам айтишди. Сабаби, Малик Набиев яратган Темури буюк сиймо эди. Миллийлик балқ-иб турган ушбу суратда соҳи-бқирон саркардалик қўрини-шида, тахтда, ўнг қўлини қили-чига тираб, чап қўлини ўнг қўли устига қўйиб, ўй-хаёллар тасвирланган эди. Ҳозиргина газетдан қайтиб хордик чиқараётган улугвор сиймо яна аллақанда режалар устида бош қотираётган ҳолат-да боқиб турарди.

Соҳибқирон табиятан узоқ дам олишни хоҳламади, адо-лат ўтида ёнарди. У ҳамманинг урушсиз, тинч-осойишта яша-ши орзусида. Мақсади дунёда адолат ўрнатиш. Умри мобай-нида мағрибдан машиқкача юриб, қадами етган жойларда ҳақиқатни қарор топтирди, ҳеч қачон курашдан тўхтамади. Са-баби, ҳали ганимларни кўп эди. Шулардан қўнгли тинчимади. Қиличга ўнг қўлини қўйиб, унинг устига чап қўлини бо-сиб ўтиришда катта маъно бор. Мусаавир бу ҳақда шун-дай дейди:

«Амир Темури портрети-уринли, айрим ўринсиз торти-шулардан сўнг, яхши баҳо-ланиб, эталон сифатида қабул қилинди. Асар композицияси, ўйлаган фикрларини ҳаммаси тўғри чиқди. Асарда кўнган бўён орау қилинган буюк Амир Темури сиймосини яратишга ҳаракат қилганим. Темури бо-бимиз ўнг қўлини гилофи қиличи устига қўйиб туриши жангу жадалларга нукта маъ-носини англатди.

Буни қарангки, шу пайта-ча «Амир Темури портрети»ни томоша қилварибкима-у, унинг таянч нуктаси, асарнинг асосий гоҳсини ташкил этган «қилич устида турган ўнг қўл, чап қўл остида» эканлигини пайқабамиз.
«Соҳибқирон Амир Темури портрети» яратилишида Малик Набиев ёш томошабин-дан тортиб, катта, кекса то-мошабин фикрига эшитиб, мукамал асар яратганлар.

Махмуд АХМЕДОВ, санъатшунос



Амир Темури етук сийсатчи, улуг ислохотчи, савдо-сотик, хунармандчилик ва маданиятнинг буюк ҳомийси сифатида «Конун-лар ва урф-одатларга» асосланган қудратли давлат барпо этган. Ай-ниқса, унинг марказлашган дав-латнинг ягона пул молия тизими-ни ташкил этган иктисодийёт и-слохотчиси сифатидаги фаолияти тарих саҳифаларида олтин харф-лар билан битилган. «Темурийлар сулоласи тангалари» китобида ана шу тарихий ҳақиқат ўз аксини топган. Амир Темури ва Темурийлар тангалари ўзига хос услубда тай-ёрланган. Олтин, кумуш ва мис тангалар Самарқанд ва бошқа ви-лоятларда катта ҳажмдаги чакана савдо эҳтиёжини қондириш учун чиқарилган. Уларда акс этган усимлик ва геометрик безаклар

БЕНАЗИР ИСЛОҲОТЧИ

нинг мутаносиблиги, доиралари, юл-дузлар буржи, «бахт бурж»лари би-лан бошқа тангалардан фарқ қилган. Тангаларнинг юз тарафида улур му-омалада бўлган ҳудуд хонининг номи «султон» унвони билан сўнг Кура-гон (хон қўви) фахрий унвонига эга Амир Темури ва унинг остида «амири билан» изоҳи ва салтанатга ҳамду сано ва «Холид Иллоҳ Мулк» сўзлари битилган.

Амина КОДИРОВА

Тангаларнинг орқа томонида тан-гани чиқарган ҳудуд номи, санаси, калима ва тўрт халифа - Абу Бакр, Усмон, Умар, Алилар номи битил-ган. Кўп тангаларда у ҳалқадан ибор-рат тамга ҳам бўлган. Уни Испания элчиси Хуан Гонсалес де Клавихо «Темури герби» деб атаган. Амир Те-мури бу белгини ўзининг фармон-лари билан тайёрланган барча буюм-ларга қўйилишига буйроқ берган. Гўё бу уч халқа Соҳибқироннинг дун-ёнинг уч қисмига ҳукмдорлигини ан-галтар экан.

Амина КОДИРОВА

Хозирда унинг номи билан маълум бўлган тангаларнинг энг қадим-гиси 1372-1373 йилларга бориб та-қалади. Улар чигатой тангалари ан-дозаси бўйича зарб қилинган. 80-йилларга бориб Амир Темури пул и-слохотини ўтказган. 1393 йилдан бош-лаб тангаларда «Тахт вориси Муҳам-мад Султон» ёзуви пайдо бўлган. У


Амина КОДИРОВА

Соҳибқироннинг тахт вориси деб эълон қилинган, аммо 1403 йилда вафот этган невараси эди.
Тарихда давлат бюджети XVII аср-да Англия ва Францияда пайдо бўлган деб эътироф этилади. Хол-буки, Амир Темури салтанатида XIV асрдаёқ давлат бюджети мавжуд бўлиб, бюджетда нафақат тушумлар, балки чиқимлар ҳам қайд этилган. Биринчи вазир фойда, солиқ ва мах-сулотларни қайд этган ҳолда қирим-лар китобини олиб борса, иккинчи вазир чиқимлар китобини бошқарган. Булардан ташқари, келаётган йил-даги чиқимлар ва солиқлар миқдори олдиндан режалаштирилган.

А. НАБИЕВА

Амир Темурининг барча ўлкалар учун ягона ҳисобланган пул ва молия сий-сатини унинг севимли невараси Мир-зо Улуғбек охирига етказган. Унинг тангаларида ҳам буюк Амир Темури тамғаси туширилган. Лекин бундан бир мунча олдин унинг отаси Шоҳруҳ Мир-зо тамғаси туширилган «Шоҳруҳ тан-галари» муомалада бўлган. Аммо унинг ўлимидан сўнг Улуғбек чиқарган кумуш тангалар жуда нодир ҳисоблан-ган. Уларга соҳибқирон билан бирга Улуғбек номи ҳам қайд этилган. Улуғ-бек тангаларида қуйидаги ёзув бўлган: «Темури Курагон» химматидан Улуғбек Курагон. Бизнинг сўзимиз». Соҳибқи-рон номи Улуғбекдан бошқа бирорта Темурийлар тангаларида қайд этилма-ган. Бу эса ўз навбатида Улуғбекнинг буюк қалб соҳиби ва етук зотлигидан далолат беради.

А. НАБИЕВА



«Сен ёлғиз эмассан»

Меҳр-окибат кўрсатиш, олижаноблик, саҳийлик, ҳиммат ва саҳоват чинакам инсонийлик фазилатлари саналади.

ЭНГ КАТТА САВОБ

Мучал ёшидан ўтган Оксана бўғунги кунда Хазораспдиги 11-умумтаълим мактабининг аълочи ва жамоатчи ўқувчиларидан. Яқинда Оксана ва дугоналарининг қувончига қувонч қўшилди, кўнгли осмон қадар оқсалди.

яқиндан кўмаклашадилар. Йил охиригача юздан ортик болага кийим-кечак ва дарсликлар олиб берилади.

Гимнастика ОКСАНАНИНГ БРАЗИЛИЯДАГИ ЗАФАРИ

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубоги баҳсларининг учинчи босқичи нихосига етди. Унда иштирок этган қасаба уюшмалари спорт жамоаси вакилиси Оксана Чусовитина мухлислари яна бир марта лол қолдириди.

Буюк Ипак йўли Навоий вилоятининг қарийб барча туманларидан ўтган бўлиб, бу ерда кўпда тарихий обидаларга дуч келишимиз мумкин.

Профессионал бокс МУҲАММАДҚОДИРНИНГ НАВБАТДАГИ ЖАНГИ

Эртага Американинг Лас-Вегас шаҳрида профессионал боксининг WBA йўналишида навбатдаги жанглар бўлиб ўтади. Шу йўналишида қатнашаётган ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев ўзининг 14-баҳсини мексикалик Жесси Феличианога қарши ўтказди.

ЯНГИ НАШР

Бугун Қорақалпоғистонда қирқдан ортик номдаги газета ва журнал чоп этилмоқда. Апрель ойининг бошидан улар қаторига яна бир газета қўшилди. Дехқонлар учун махсус янги нашр - «Қарақалпоқстан аўли» газетаси чоп этила бошлади.

Инсон хотираси - азиз

Ҳамид Сулаймон ҳақида ўйлаганда кўз ўнгимда фидойи, жафоқаш инсон гавдаланади. Унинг ёрқин сиймоси ёшлик хотираларимда аниқ муҳрланиб қолган.

Буюк қалб соҳиби

Ҳамид Сулаймон 1911 йил Тошкентнинг Камолон маҳалласида таваллуд топган. Оталари Сулаймон Хўжаев ўзбек киносининг илк қалдирғочларидан бўлган.

Бу турфа олам

Урта асрларда Фарғона водийсида етишиб чиққан олимларнинг энг машҳури ал-Фарғоний эди.

ОЛИМНИНГ ТЎЛИҚ ИСМИ

Олимнинг тўлиқ исми - Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний - унинг насаби насаби фарғоналик эканлиги аниқланди.

ЎСМИРЛАР РИНГА ЧИКДИ

Навоий вилоятида бокс бўйича 1987-89 йилда тузилган ўсмирлар ўртасида ўтган Ўзбекистон биринчилигида 300 нафар спортчи рингга чиқди.

Жума ўғитлари

ИММОН МОТУРУДИЙ

Шайх Абу Мансур ибни Муҳаммад Мотурудий тахминан 870 йили ҳозирги Самарқанднинг Мотуруд маззасида туғилган. У дастлаб хусусий муаллимларда, сўнгра эса замонасининг машҳур олимлари Абу Наср Аҳмад ал-Ибдий, Абуабкар Аҳмад бинни Исҳоқ ал-Жузжоний ҳамда Нусайр бинни Яъқоб ал-Балхийларда калом илми ҳамда фикҳ бўйича таҳсил қўрган.

Қар кимнинг нонини ема, аммо ҳаммага нон бер. Ажални ҳеч қачон эсдан чиқарма. Мартабаю иззатин илмдан изла. Сендан қўрққандан сен ҳам қўрқ. Душманнинг душмини билан дўст тутун.

Дўстларнинг дўстлари орасида бўл. Ноқасдан қарз олма. Жоҳил зоҳидга инонма. Аждоднинг қадрини эъозола. Одамларнинг олдида нима десанг, орқасидан ҳам ўшани гапир. Бировнинг миннатини кўтару миннат қилувчи бўлма.

ЎТ ўЧИРУВЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган ёнғини ўчириш амалийоти спорт бўйича аънавандай чемпионат бўлиб ўтди.

Спорт хабарлари

ВОЛЕЙБОЛ. Жиззах шаҳрида волейбол бўйича ўсмирлар ўртасида ташкил этилган вилоят биринчилигида Зарбдор тумани волейболчилари биринчи ўринни эгаллашди.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибиат 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134